

## **8. Фуқароларнинг муурожаатлари билан ишлаш тартиби.**

56. Фуқароларнинг муурожаатлари, аризалари, шикоятлари билан ишлаш 03.12.2014 йилдаги ЎРҚ-378-сонли “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ амалга оширилади.

57. “Ўз РТХАБ” АЖга келиб тушадиган фуқароларнинг барча муурожаатлари Умумий бўлимда рўйхатга олинади. (8-Илова).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасидан юборилган фуқароларнинг муурожаатлари юқори турувчи ташкилот номларининг биринчи ҳарфи ва тартиб рақамини ўз ичига олган индексга эга бўлади.

58. “Ўз РТХАБ” АЖ Бошқаруви раиси ёки унинг ўринбосарига йўлланган муурожаатлар регламентга асосан рўйхатга олингандан сўнг ижрочига (таркибий тузилмаган) юборилади.

59. Муурожаатларда фуқаронинг исми, фамилияси, отасининг исми, яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилиши, ариза, шикоят ёки таклифнинг мазмуни баён этилиши керак. Бундай маълумотлар кўрсатилмаган муурожаатлар аноним ҳисобланади ва кўриб чиқилмайди. Белгиланган тартибда берилган муурожаатлар мажбурий тартибда кўриб чиқилиши керак. (8 ва 9-Илова)

60. “Ўз РТХАБ” АЖ ваколатига кирмайдиган масала бўйича муурожаатлар 5 кунлик муддатдан кечиктирмасдан тегишли орган ёки мансабдор шахсларга юборилади. Бу ҳақда фуқарога маълум қилинади.

Агар муурожаатда уни тегишли органлар ёки мансабдор шахсларга юбориш учун етарли маълумотлар бўлмаса, худди шу муддатда тегишли тушунтириш берган ҳолда фуқарога қайтарилади.

61. Муурожаатларни кўриб чиқиш вақтида фуқароларнинг розилигисиз уларнинг шахсий ҳаётига, давлат сирига оид ёки қонун билан кўриқландиган бошқа маълумотлар, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини каситувчи маълумотлар ошкор қилинишига йўл қўйилмайди.

62. Фуқароларнинг муурожаатлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг топшириқлари юзасидан барча жавоблар хат рақами кўрсатилган ҳолда юборилади.

Фуқароларнинг ариза, шикоят ва таклифлари оғзаки шаклда ҳам қабул қилиниши мумкин. Ушбу муурожаатлар рўйхатга олиниши шарт. Шикоят муаллифлари билан олиб борилган муҳокама зарур ҳолларда фуқароларни қабул қиладиган шахс томонидан юритиладиган баённома билан расмийлаштирилади, уларни кўриб чиқиш натижаси “Ўз РТХАБ” АЖ раҳбариятига маълум қилинади.

63. “Ўз РТХАБ” АЖ мансабдор шахсларининг фуқароларни қабул қилиш кунлари жадвали масъул навбатчи олдида жойлаштирилади.

**59-бандга 8-Илова**

<b>Тартиб рақами:</b>		<b>Масала:</b>
<b>Аризачи:</b>		
<b>Манзили:</b>		
<b>Телефон:</b>		
<b>Келиб тушган сана:</b>		<b>Аризачилар сони</b>
<b>Мурожаат шакли:</b>		
<b>Мурожаат тури:</b>		<b>Варақ:</b>
<b>Олдин келган мурожаатнинг рақами ва санаси</b>		
<b>Бошқа ташкилотлардан келиб тушган:</b>		
<b>Назорат тури:</b>		
<b>Мурожаатнинг қисқача мазмуни:</b>		
<b>Раҳбар:</b>		
<b>Таркибий тузилма:</b>		
<b>Раҳбар кўрсатмаси:</b>		
<b>Ижрочи:</b>		
<b>Ижро муддати:</b>		

**59-бандга 8-Илова**

<b>Мурожаатни кўриб чиқиш</b>		
<b>Юборилган сана</b>	<b>Қаерга юборилди</b>	<b>Жавоб хатининг санаси ва рақами</b>
<b>Муддатни узайтириш:</b>		<b>Кимдан: (имзо)</b>
<b>Жавоб хатининг келиб тушган санаси:</b>		
<b>Кўриб чиқиш натижасининг қисқача мазмуни</b>		
<b>Назоратдан чиқарилди:</b>		<b>Ижрочининг имзоси:</b>
<b>Сана:</b>		<b>Сана</b>
<b>Назорат натижаси:</b>		<b>Муддат бузилган ҳолда:</b>
<b>Ижро этилган сана:</b>	(имзо)	